БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 148 (18.625). • Пайшанба, 1983 йил 30 июнь • Баҳоси 3 тийин.

КЕМА ТУТАШТИРИЛДИ

Киши бошқарадиган «Салют-7»—«Союз Т—9»—«Космос-1443» комплекси орбитада

ТАСС АХБОРОТИ

1983 йил 28 июнь Москва вақти билан соат 14 дан 46 минут ўтганда «Союз Т-9» космик кемаси «Салют-7» — «Космос-1443» орбитал комплекси билан туташтирилди.

Космонавтлар В. А. Ляхов билан А. П. Александров туташтириш узелининг герметиклигини текшириб кўргандан кейин станция хонасига ўтдилар. Ер атрофи орбитасида киши бошқарадиган «Салют-7» — «Союз Т-9» — «Космос-1443» илмий-тадқиқот комплекси ишлай бошлади. Орбитал комплекснинг умумий массаси 47 тоннани ташкил этади.

— Халқ хўжалигининг турли тармоқлари манфаатларини кўзлаб, Ер юзи ва унинг атмосферасини ўрганиш;

— астрофизик ва медицина-биологик тадқиқотлар;

— технология ва техника экспериментлари;

— киши бошқарадиган катта ҳажмли комплексларни бошқариш методларини такомиллаштириш экипажнинг иш программасига киради.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Салют-7» — «Союз Т-9» — «Космос-1443» орбитал комплекси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

Ляхов ва Александров ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Экипаж белгиланган учиш программасини бажаришга киришди.

МОСКВАДА УЧРАШУВ

1983 йил 28 июнь куни Москвада БХР, ВХР, ГДР, ПХР, РСР, СССР ва ЧССР раҳбар партия ҳамда давлат арбобларининг учрашуви бўлди. Учрашувда қуйидагилар иштирок этдилар:

Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Тодор Живков; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Гриша Филипов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР халқ мудофаа министри Добри Журов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри Петр Младенов;

Венгрия Халқ Республикасидан — Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, делегация бошлиғи Янош Кадар; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Дьердь Лазар; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри Фридьеш Пуйя; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министрлигининг давлат секретари Карой Чеми;

Германия Демократик Республикасидан — Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Эрих Хонеккер; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Миллий мудофаа министри Гейнц Гофман; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри Оскар Фишер;

Польша Халқ Республикасидан — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси, делегация бошлиғи Войцех Ярузельский; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Юзеф Чирек; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри Стефан Ольшовский; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, миллий мудофаа министрининг ўринбосари, Польша қўшини бош штабининг бошлиғи Флориан Сивицкий;

Руминия Социалистик Республикасидан — Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти, делегация бошлиғи Николае Чаушеску; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри Константин Дэскэлеску; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР миллий мудофаа министри Константин Олтяну; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Миу Добреску; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Штефан Андрей;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси, делегация бошлиғи Ю. В. Андропов; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти, делегация бошлиғи Густав Гусак; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Любомир Штроугал; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари Василь Биляк; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Богуслав Хнеупек; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР миллий мудофаа министри Мартин Дзур.

Учрашув қатнашчилари кейинги вақтларда халқаро воқеаларнинг ривожи тўғрисида фикрлашиб олдилар ва қуйидаги қўшма баёнотни қабул қилдилар.

СУРАТЛАРДА: учрашув пайти (юқорида) ҳамда шу учрашувда иштирок этган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи делегацияси.
А. Пахомов фотолари. («Правда»).

ҚЎШМА БАЁНОТ

Учрашув қатнашчилари Европада ва умуман жаҳонда вужудга келаётган вазиятни биргаликда анализ қилиб, кескинлик кучайиб бораётганлигидан, давлатлараро муносабатлар тобора беқарор тус олаётганлигидан, ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқарувчи ядро уруши хавфи ортиб бораётганлигидан ўз социалистик давлатлари номидан ташвиш билдирадилар. Улар мана шу хавф-хатарларга барча мамлакатлар ва халқларнинг эътиборини жалб қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Учрашувда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Прага кенгашида 1983 йил 5 январь куни қабул қилинган Сиёсий декларацияда халқаро аҳволнинг ривожланиши хусусида баён этилган баҳо ва хулосалар таъкидланди.

Бу — халқлар, барча прогрессив ва тинчликсевар кучлар қуролланиш пойгасига чек қўйишга, қуролсизланишга, айниқса ядровий қуролсизланишга ўтишга, тенглик, суверенитет ва миллий мустақилликни ҳурматлаш шароитида, ҳамкорлик, хавфсизлик ва тинчлик муҳитида барча давлатларнинг ривожланишини таъминлашга бўлган азму қарори кучайиб бораётганлиги тўғрисидаги хулосага тааллуқлидир.

Бу — Прага Сиёсий декларациясининг салбий омиллар тўғрисидаги хулосасига ҳам тааллуқлидир. Халқаро муносабатларнинг аҳволига таъсир ўтказаётган ва вазиятни кескинлаштираётган ана шу омиллар кейинги вақтларда яна ҳам зўр куч билан намоён бўлмоқда.

Қуролланиш пойгаси мислсиз кўлам касб этмоқда. АҚШ ва унинг баъзи иттифоқчилари ўз ҳаракатлари билан ҳарбий устунликка эришишни кўзлаётганликларини уларнинг ўзлари ҳам яширмаяптилар. НАТОга аъзо бўлган Ғарбий Европадаги баъзи мамлакатларда Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарини жойлаштириш учун базалар барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Ерда, денгизда ва осмонда жойлаштириладиган янги стратегик ядровий воситаларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни жойлаштириш программалари амалга оширилмоқда. Космик фазодаги ва ердаги нишонларга зарбалар бериш учун жанговар космик системалар ишлаб чиқилмоқда. Ўзининг жанговар характеристикаларига кўра ялпи қирғин қуролига яқинлашадиган оддий қурол-яроғларнинг принципиал янги системалари яратилмоқда. Ҳарбий харажатлар гоятда кўпайтирилмоқдаки, булар халқларнинг елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда.

Шундай шароитларда учрашув қатнашчилари қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартиришга доир музокараларда силжиш йўқлиги муносабати билан ташвиш билдирадилар. Бу гап Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисида, стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш ҳақида Женевада олиб борилаётган музокараларга, худди шунингдек қуролсизланишга бағишланган Женева комитетининг ишига ҳамда Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги Вена музокараларига ҳам тааллуқлидир.

Учрашув қатнашчилари қуролланиш пойгасини авж олдириш билан бирга қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги музокараларда қандайдир эпчилликка интилиш тўғрисидаги гаплар ҳамда гўё ҳарбий куч-қудратни кўпайтириш халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларига хизмат қилиши мумкин деган сохта даъволар айтилаётганлигига ҳам эътиборни жалб қиладилар. Учрашувда вакиллари қатнашаётган давлатлар бундай сиёсатни қатъиян рад этадилар.

Империалистларнинг зўравонлик ва ҳукм ўтказиш сиёсати давлатлар ўртасида муҳолифлик «таъсир доиралари»ни мустаҳкамлаш ва қайта тақсимлаш сиёсати кучайтирилаётганлиги, империализмнинг агрессив ҳаракатлари тобора ортаётганлиги халқаро вазиятни яна ҳам кўпроқ кескинлаштиришга олиб бормоқда. Бошқа кўпгина давлатлар каби социалистик давлатларнинг ҳам ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишлар кўпаймоқда, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар бузилмоқда, социалистик мамлакатларга қарши душманлик кампаниялари авж олдирилмоқда, тазйиқ ўтказишнинг бошқа методлари қўлланилмоқда. Дунёнинг турли районларида мавжуд ҳарбий кескинлик манбалари яна ҳам кўпроқ чиғаллаштирилмоқда ва ана шундай янги манбалар ҳамда кризисли вазиятлар вужудга келтирилмоқда, шундай вазиятларни кенгайтириш хавфи кучаймоқда, бир қанча мустақил давлатларга қарши эзлон қилинмаган урушлар олиб борилмоқда, миллий манфаатларга ёт бўлган ажнабийларнинг ҳарбий кучлари ҳозир бўлиб туриши тиқиштирилмоқда. Янги жаҳон иқтисодий тартибини ўрнатиш тўғрисидаги адолатли талаблар рад этилмоқда, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тафовут тобора чуқурлашмоқда.

Мана шу бутун сиёсат Европа ва умуман жаҳон халқларининг туб манфаатларига ҳамда муддаоларига ниҳоятда зиддир. Мана шу муддаолар одамлар ва миллатларнинг муносиб равишда эркин ва тинч яшаш ҳуқуқини таъминлашга даъват қилиб ўтказилаётган урушга қарши кўпдан кўп оммавий намойишларда, чунончи яқинда Прагада «Ядро урушига қарши, тинчлик ва ҳаёт учун» шиори остида бўлиб ўтган жаҳон ассамблеяси каби турли халқаро анжуманларда парламент аъзолари, олимлар, врачлар, жамоат доиралари намояндалари сўзлаган нутқларда жуда ёрқин намоён бўлмоқда.

Учрашув қатнашчиларининг фикрича, вужудга келаётган вазият ҳамма давлатлар, барча халқлар олдига қандай қилиб шу вазиятнинг бундан буёнги хатарли ривожланишининг олдини олиш, дунёнинг ҳалокат сари силжиб боришининг олдини олиш тўғрисидаги масалани қўймоқда. Москвадаги мазкур учрашувда вакиллари қатнашаётган социалистик давлатлар 1983 йил 5 январдаги Прага Сиёсий декларациясида халқаро кескинликни юмшатишга, уруш хавфини бартараф этишга қаратилган кенг ҳаракат программасини олға сурдилар.

Улар ушбу программанинг актуаллиги ва таъсирчанлигини таъкидлайдилар ҳамда ядро қуроллари соҳасидаги мусобақага, умуман ҳар қандай ҳарбий рақобатчиликка яна бир бор қарши чиқадилар. Улар жаҳон миқёсидаги ҳар қандай проблемада, шу жумладан социализм билан капитализм ўртасидаги тарихий баҳс ҳарбий йўл билан ҳал этилиши мумкин эмаслигига қатъий аминдирлар.

Ҳозирги вазиятда уруш хавфини суриб қўйишга, жаҳон воқеаларининг боришини кескинликни юмшатиш, давлатлараро муносабатларни соғломлаштириш томон буриб юборишга қодир бўлган шошилинч чоралар зарур.

Учрашув қатнашчилари қуролланиш пойгаси тезроқ тўхтатилишини ва қуролсизланишга, айниқса, ядровий қуролсизланишга ўтишни замонамизнинг энг муҳим масаласи деб билмоқдалар. Ана шу энг асосий мақсадларни амалга ошириш учун, ер юзида тинчликни, цивилизацияни, ҳаётни сақлаб қолиш учун ҳамма ишни қилиш зарур деб ҳисобламоқдалар. Улар мана шу масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш учун бутун кучни сарфлашга тайёр эканликларини таъкидлайдилар.

Шу жиҳатдан Европа қитъасида ядровий муҳолифлик хавф-хатарини бартараф этиш гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Учрашув қатнашчилари Европани ҳам ўртача олисликка учириладиган, ҳам тактик ядро қуролидан батамом холи қилишга интилиб, жуда бўлмаганда шундай ахдлашувга эришишни зарур деб ҳисоблайдиларки, бундай ахдлашув Ғарбий Европа мамлакатларида Американинг янги ядро ракеталари жойлаштирилишини истисно қилган ҳамда бирмунча паст даражада мувозанатни таъминлаш мақсадида Европадаги мавжуд ўртача олисликка учириладиган воситаларнинг тегишли миқдорда қисқартирилишини кўзда тутган бўлур эди. Ҳар иккала томон ҳамжиҳатлик ва сиёсий ирода кўрсатиб, кенг кўламдаги тинчлик ва хавфсизлик фикр-мулоҳазаларига амал қилган тақдирда шундай ахдлашувга эришиш мумкин. Учрашувда вакиллари қатнашаётган давлатлар Европада ядро қуроллари ни чеклаш тўғрисидаги Женева музокараларига айни шу позициялларда туриб ёндашмоқдалар.

Учрашувда ҳозирги пайтда мавжуд ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларини адолатли тарзда қисқартиришга қаратилган совет таклифлари батамом қўллаб-қувватланаётганлиги изҳор этилди. Учрашув қатнашчилари бу йил музокараларда ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарини Европада жойлаштирмаслик тўғрисида ва ўртача олисликка учириладиган мавжуд воситаларни қисқартириш ҳақида ахдлашувга эришиш учун ҳамма ишни қилишга даъват этадилар. Бундай ахдлашув ҳар иккала томон учун мақбул таклифларга асосланган бўлур эди.

Учрашув қатнашчилари шунга аминдирларки, ҳар иккала томон тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига қатъий риоя этган тақдирда стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги музокаралар конструктив изга ўтказилиши мумкин ҳамда ана шу музокараларда ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушадиган ўзаро мақбул ахдлашувга эришиш мумкин.

Учрашув қатнашчилари ҳар қандай турдаги қуролни космик фазода жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги музокараларни тезроқ бошлаш, қуролланиш пойгасининг космоса ёйилиши имкониятига барҳам бериш зарур деб ҳисоблайдилар.

Учрашув қатнашчилари халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб:

ядро қуролига эга бўлган барча давлатларнинг ва аввало СССР билан АҚШнинг ядро қуролларини дарҳол кўпайтирмай қўйиш;

ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида ҳали ўз зиммасига мажбурият қабул қилмаган ядро қуролига эга бўлган давлатлар шундай мажбуриятни олишлари зарур, деб комил ишонч билдирадилар.

Учрашувда қатнашаётган давлатлар НАТОга аъзо бўлган давлатларга яна мурожаат этиб, 1984 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳарбий харажатларни кўпайтирмаслик тўғрисидаги ҳамда бўшайдиган маблағлардан иқтисодий ва социал ривожлантириш эҳтиёжлари йўлида, шу жумладан ривожланаётган мамлакатларни иқтисодий ва социал тараққий эттириш эҳтиёжлари йўлида фойдаланадиган бўлиши учун шундан кейинги даврда ҳарбий харажатларни ўзаро амалий қисқартириш борасидаги конкрет тадбирлар ҳақида битимга эришиш учун бевосита музокараларни дарҳол бошлашга даъват қиладилар. Улар НАТО давлатлари бу даъватга жавоб қайтарадилар деб умид билдирадилар.

Улар НАТО давлатлари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан Шимолий Атлантика Шартномасига аъзо бўлган давлатлар ўртасида ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинчлик муносабатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги дунёдаги барча давлатлар учун очиқ бўлган шартнома хусусидаги таклифни амалий равишда кўриб чиқишга киришишга рози бўлажакларини ҳам қутадилар.

Учрашувда вакиллари қатнашаётган давлатлар Европа шимолида, Болқон ярим оролида ва Европа қитъасининг бошқа районларида ядросиз зоналар вужудга келтириш тўғрисидаги таклифларни амалга ошириш, шу масалалар юзасидан тегишли музокаралар ўтказиш керак деган фикрни яна билдирадилар.

Мадрид учрашувини Европа халқлари қутганидек бўлиб чиқадиган ҳамда Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига ҳамда қуролсизланишга бағишланган конференция чақирилишини, Хельсинкида бошланган кўп томонлама жараённинг давомийлигини таъминлайдиган ижобий натижалар билан тезроқ тугалланишининг аҳамияти ва зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бу кескинликни юмшатиш, тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатини қарор топдиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлур эди.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва халқаро вазиятни соғломлаштириш соҳасида етилган масалалар юзасидан конкрет ахдлашувларга эришиш учун энг кўп куч-ғайрат сарфлаш, музокараларни амалий, ижобий руҳда олиб бориш, музокараларни силжитиш учун қулай муҳитни вужудга келтиришга кўмаклашувчи қадамлар қўйиш ва музокараларни мураккаблаштириши мумкин бўлган ҳаракатларни қилмаслик зарур.

Учрашувда вакиллари қатнашаётган давлатлар НАТОнинг ҳаракат доираси кенгайтирилишига ёки бирон бир янги ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ташкил этилишига олиб борадиган ҳар қандай қадамларига қарши чиқажакларини яна бир бор зўр куч билан таъкидлайдилар. Ўз навбатида эса улар ўз иттифоқининг ҳаракат доирасини кенгайтиришга интилмаётганликларини ва бу йўналишда бирон бир қадамлар қўйилишини назарда тутмаётганликларини билдирадилар.

Учрашувда қатнашаётган давлатлар тинчлик ва ўз хавфсизлиги манфаатларига асосланиб улар ўзаларига нисбатан ҳарбий устунликка мутлақо йўл қўймасликларини билдирадилар. Улар энг паст даражада кучлар мувозанати таъминланиши учун қатъиян курашмоқдалар. Шу муносабат билан улар мазкур масала хусусида ўзларининг олий давлат органлари эзлон қилган позицияга эътиборни жалб қиладилар.

Улар бугунги Европадаги территориал-сиёсий реалликлар бузилмаслиги хусусида ўзларининг принципиал позициясини ҳам таъкидлайдилар.

Учрашувда вакиллари қатнашаётган давлатлар тинчликни қуролланиш пойгаси йўлидан бориб мустаҳкамлаш мумкин эмаслигига қатъий аминдирлар. Улар қуролланиш пойгаси авж олдирилишига қарши изчил курашмоқдалар. Қурол-яроғларни чеклаш, қисқартириш ва йўқ қилиш, қатъий халқаро контролдик остида ёппасига ва батамом қуролсизланишга олиб борувчи тадбирларгина инсониятга мустаҳкам ва ишончли тинчлик келтириши мумкин.

Европада ҳамкорлик ва хавфсизликка бағишланган кенгашда қатнашган ўттиз беш давлат Хельсинки Якунловчи актида кескинликни юмшатишни муқаррар, шунингдек тобора ҳаётбахш ва ҳар томонлама гоят кенг қамровли жараёнга айлантириш мажбуриятини тантаналли суратда зиммасига олган эди. Ана шу давлатлар барча соҳаларда ўз ўрталарида яхшироқ ва яна ҳам қалинроқ муносабатларни ривожлантиришга ва шу тарика ўзларининг ўтмишдаги муносабатлари характеридан келиб чиқадиган қарама-қарши туришни бартараф этишга ҳамда яхшироқ ҳамжиҳатликка интилажакларини якдиллик билан билдирган эдилар.

Учрашувда қатнашаётган давлатлар ана шу юксак мажбуриятларнинг руҳи ва ҳарфига амал қилиб, ўзларининг бошқа давлатлар билан муносабатларини бундан буён ҳам тинч-тотув яшаш негизида ривожлантирадилар. Улар Европа мамлакатларини Европани ядро хавф-хатаридан халос этиш, Европани ҳам ўртача олисликка учириладиган, ҳам тактик ядро қуролидан ҳоли бўлган тинчлик қитъасига, барча давлатлар тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосида, ўз халқларининг тараққиёти ва фаровонлиги, Европада ва бутун дунёда осойишталик, ҳамжиҳатлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб ҳамкорлик қиладиган қитъага айлантириш учун барча зарур ишларни қилишга даъват этадилар.

Улар Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларга, дунёдаги барча мамлакатларга мурожаат қилиб, ҳозирги халқаро муносабатлар ривожланишининг хатарли тенденцияларини сергаклик билан объектив равишда баҳолашга ва инсониятнинг энг чуқур манфаатларига мос бўлиб тушадиган оқилона хулосалар чиқаришга қатъий даъват этадилар.

Улар аҳвол бундан ҳам ёмонлашувининг олдини олишга қодир амалий қадамлар қўйиш мақсадида ўзларининг куч-ғайратларини ижтимоий-сиёсий тузумларидан қатъи назар барча мамлакатларнинг, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашаётган барча кишиларнинг куч-ғайратлари билан бирлаштиришга тайёр эканликларини изҳор этадилар. Бунинг учун вақтни бой бермаслик керак.

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК ВА КЎПАЙТИРАЙЛИК

Ю. В. АНДРОПОВНИНГ КИТОБИ ГФРДА НАШР ЭТИЛДИ

БОННҒ 27 июнь. (ТАСС). Ғарбий Германиянинг Кельн шаҳридаги «Пал-Ругенштайн» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов нутқлари ва мақолалари тўпламини немис тилида чиқарди. Китобга Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумидаги нутқи, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб Кремлда ўтказилган тантанали мажлисдаги доклади, «К. Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» мақоласи, Ю. В. Андроповнинг ГФРдаги «Шпигель» журнали саволларига жавоблари ва бошқа материаллар киритилган.

Германия Федератив Республикаси китобхонларига мурожаат қилиб Ю. В. Андропов бундай деб ёзади:

«Пал-Ругенштайн» нашриётининг шу томга тўпланган ҳамда СССРнинг ички ва ташқи сиёсатига бағишланган нутқлар ва мақолаларни сизларга тақдим этиш тўғрисидаги илтимосини бажонидил бажаряпман. Яхшироқ ҳамжиҳатлик бўлиши учун бир-биримиз тўғрисида кўпроқ нарса билишимиз керак, албатта. Бу — айрим кишилар учунгина эмас, халқлар учун ҳам тўғри гапдир. Тақдим этилаётган китоб сизларга сиёсатимизнинг баъзи бир энг муҳим жиҳатларини яна бир бор баён этиш имконини беради.

Бу китоб Совет Иттифоқи ҳақида, мамлакатимиздаги одамлар қандай ишлар ва проблемалар билан шуғулланаётганликлари ҳақида, улар нималарни ўйлаб, нималарга интилаётганликлари тўғрисида равшанроқ тасаввур ҳосил қилишда китобхонларга ёрдам беради, деб ишонаман. Шу китоб ҳақида фикр юритиш сизларнинг ишингиз, албатта, бироқ, сизлар энг муҳим нарсани тушуниб олишларингизни истайман: совет халқи ва унинг раҳбарларининг бутун фикр-зикри тинч меҳнат билан шуғулланиш, бошқа халқлар билан яхши тотувликда яшаш, айниқса қуролланиш пойгасини жиловлаш, янги урушнинг олдини олиш, ялпи тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашдек ишда улар билан умумий тил топишдан иборат эканлигини ва табиий истакка қаратилган.

Шуни айтмоқчиманки, Совет Иттифоқида Германия Федератив Республикаси билан муносабатларга ғоят катта аҳамият бериб келинди ва ҳозир ҳам шундай аҳамият берилмоқда. Бундай ёндашиш тарихан ҳам, ҳозир ҳам илдиз отган. Биз мустаҳкам тинчликка интилар эканмиз, икки жаҳон урушининг сабоқларини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ҳозирги вақтда Европа ва ҳатто бутун жаҳон тинчлигининг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатига боғлиқ. Ҳолбуки иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳатто ГФР билан дипломатия муносабатларини ўрнатишнинг ўзига ҳам йиллар керак бўлди. 70-йиллларнинг бошларидагина ҳақиқий бурилиш содир бўлди. Москва Шартномасидан кейин ўтган ўн йил шуни кўрсатдики, биз ҳамкорлик қилишимиз, дурустгина ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Турмушнинг ҳамма соҳаларида ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Бинобарин, шуни сақлаб қолиш ва ривожлантириш муҳимлигига аминмиз.

Эндиликда, 1983 йилда бизнинг муносабатларимизда бениҳоя масъулиятли пайт бошланмоқда. Бизга ҳам, сизларга ҳам азиз бўлган тинчлик тўғрисидаги ғамхўрлик сизларнинг диёрингизда Совет Иттифоқини мўлжалга оладиган Америка ракеталарини жойлаштириш режалари ҳақида гапиришга мажбур қилади.

Гўё янги ракеталар ГФРнинг хавфсизлигини кучайтиради, деб даъво қилмоқдалар. Бу даъвога комил ишонч билан бундай деб жавоб бераман: янги ракеталарнинг ўрнатилиши бизларнинг ҳам, сизларнинг ҳам хавфсизлигингизни кучайтирмайди. Бунинг устига шу ракеталарнинг ўрнатилиши ҳозирги мавжуд хавфсизликка путур етказади.

ГФР халқи ядровий фалокатни хоҳлайди, деб ишонмаймиз. Аммо янги ракета қуроли бирон бир кимсанинг ёвуз нияти билан ё бўлмаса бемаъни тасодиф сабабли ишга туширилиб юборгудек бўлса, ҳалокатли роль ўйнаши мумкинки, унинг оқибатлари қандай бўлишини тасаввур этиш аммриаҳол.

ГФРдаги кўп кишилар ўз хавфсизлиги учун ташвишланаётганини биламиз. Бироқ, хавф-хатар Совет Иттифоқидан чиқаётгани йўқ. Бизнинг мамлакатимиз на ГФРга қарши, на НАТОнинг бошқа бирон бир мамлакатига қарши ҳеч қандай ёмонликни ўйлаётгани йўқ. Бинобарин, биз иккала томоннинг — Шарқ билан Ғарбнинг ҳам олисликка учириладиган, ҳам Европадаги нишонларни мўлжалга олишни кўзловчи тактик ядро қуролидан батамом воз кечиш тўғрисида шу бугунок шартнома тузишга аввалгидек тайёрмиз. Мана шундай шартномани тузиш чинакам «нуль вариант» бўлур эди, Европа халқларини ядро уруши хавфидан халос этган бўлур эди. Бизнинг мақсадимиз низоли масалаларни ҳал этиш учун куч ишлатишни соқит қилишдан, мустаҳкам тинчликни таъминлашдан, халқларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришдан иборат. Бизнинг бутун сиёсатимиз ҳам мана шу мақсадга асосланади.

Биз Ғарбнинг бир ёқлама қуролсизланишини талаб қилмаймиз. Аммо буни биздан ҳам талаб қилиш мумкин эмас. Биз қуролсизланиш ҳақида гапиришимизда ҳамиша Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам қурол-яроғларни қисқартиришни, қуролсизланишни назарда тутамиз. Бундан буён қуролланиш беҳаҳ ҳурмат ва бир-бирининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш мамлакатларимизга ва қолаверса бошқа мамлакатларга ҳам кескинликни юмшатиш йилларида эришилган ютуқларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш имконини берган бўлур эди. Айни шу ютуқларни кўпайтириш иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар даражасини ўзаро манфаат йўлида юксалтирган бўлур эди, деб таъкидлайман.

Шу китобни ўқиган кишиларга жамики эзгуликлар ва аввало тинчлик шароитида омон-эсонлик тилагим келади.

Бўлиб ўтган матбуот конференциясида нашриёт раҳбарларидан бири К. Бредтхауэр китоб билан жамоатчиликни таништириб, ҳозирги халқаро вазиятда Ю. В. Андропов асарларининг нашр этилиши актуаллигини таъкидлади.

Совет Иттифоқи кейинги вақтларда Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадини кўзловчи бир қанча янги муҳим таклифларни ўртага қўйди. Мамлакатимиз жамоатчилигининг кенг доиралари баъзан шу ташаббуслардан хабардор бўлмай қолмоқдалар. Ю. В. Андроповнинг китоби ГФР гражданларини КПСС билан Совет давлати ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишлари билан таништиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ўқтирди К. Бредтхауэр.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов 27 июнь куни Кремлда ГФР хўжалик министри О. Ламбсдорфни қабул қилди.

СССР билан ГФРнинг муносабатларига доир масалалар юзасидан, шу жумладан ГФР федерал канцлери Г. Колнинг СССРга қиладиган визитини ҳисобга олиб, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисида фикрлашиб олинди.

Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир СССР ва ГФР комиссияларининг навбатдаги ХП сессиясида кўриб чиқилиши таҳмин қилинаётган баъзи амалий масалалар ҳам тилга олинди (ТАСС).

ФРАНЦИЯГА ВИЗИТ

Франция Миллат мажлиси ташқи ишлар комиссиясининг таклифига биноан СССР Олий Совети палаталари ташқи ишлар комиссияларининг делегацияси 27 июнда Москвадан Парижга жўнаб кетди. Делегацияга СССР Олий Совети Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияси раисининг ўринбосари, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин бошчилик қилмоқда.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни делегация Парижга етиб келди. Аэродромда делегацияни Франция Миллат мажлиси ташқи ишлар комиссияси раисининг ўринбосари, Миллат мажлиси Франция—Совет дўстлиги группасининг раиси К. Эстье, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Франциядаги элчиси Ю. М. Воронцов бор эди.

* * *

Делегация Франция Миллат мажлиси ташқи ишлар комиссиясининг раиси М. Фор билан ва унинг ўринбосари, Миллат мажлиси Франция — Совет дўстлиги группасининг раиси К. Эстье билан учрашди.

М. Фор Совет парламенти аъзоларини самимий табриклаб, бўлажак музокараларнинг совет—француз сиёсий мулоқотини янада давом эттириш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш учун муҳимлигини ўқтириб ўтди. Ў Совет делегациясининг визити иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик планини муддатидан илгари— 28 июнда бажардилар.

Кўмир, нефть ва газ қазиб чиқариш, машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини, минерал ўғитлар, ип газлама ва шойи газламалар, трикотаж буюмлар, пайпоқлар, чарм пойабзал, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш биринчи ярим йиллик планининг ошириб бажарилиши кутилмоқда.

(ЎзТАГ).

КАТТА ТЕАТРНИНГ ЮБИЛЕЙИ

[illegible]нинг ғарби-шимо- [illegible] 250 [illegible]атмосфера [illegible]га дуч [illegible]тожи

Ўзбек совет санъатининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи республикадаги энг яхши ижодий коллективлардан бири — Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрининг ишларида яққол акс этган. Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларидагина эмас, чет элларда ҳам машҳур бўлган театр шу кунларда ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонламоқда. Шу воқеага бағишлаб тантанали кеча ўтказилди. Адабиёт ва санъат аҳллари, меҳнат коллективларининг намояндалари ҳозир кўплаб машҳур саҳна усталари меҳнат қилаётган юбиляр коллектив шаънига энг эзгу сўзлар айтмоқ учун Катта театрга келдилар.

Тантанали вазиятда Навоий номидаги Давлат академик Катта театрига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Театр музика санъатини ривожлантириш ва пропаганда қилишдаги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги катта хизматлари учун ва асос солинган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлган эди.

Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева театрнинг шонли йўли ҳақида, Ўзбекистоннинг бутун саҳна санъати ривожи ҳақида гапириб берди. Ҳамза, М. Ашрафий, М. Қориёқубов, Уста Олим Комилов, В. А. Успенский, М. Турғунбоева, Тамарахоним, Ҳ. Носирова, бошқа атоқли маданият арбоблари унинг бешигини тебратдилар. Улар асос солган анъаналар ардоқлаб асралмоқда ва ривожлантирилмоқда.

ССР Иттифоқи Большой театрининг ва Кремль Съездлар саройининг бош директори С. А. Лушин Москва ва Тошкент саҳна усталарининг қардошлик алоқалари ҳақида гапирди. Бу алоқалар совет халқлари миллий маданиятларининг самарали ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши жараёнига яққол мисол бўла олади. «Ҳинд достони» балети СССР Вольшой театри саҳнасида зўр муваффақият билан намойиш этилмоқда. Москвалик артистлар, режиссёрлар Тошкентда, республиканинг бошқа шаҳарларида саҳналаштирилаётган постановкалар устидаги ишда ҳамиша қувонч билан қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон пойтахти, бошқа шаҳарлар ижодий коллективларининг театрлаштирилган табрикномаларида, саноат корхоналари вакилларининг нутқларида М. Ашрафий ва С. Василенконинг «Бўрон», И. Акбаровнинг «Орзу» сингари дастлабки миллий опера ва балетлари яратилиши Навоий номидаги театр саҳнаси билан боғлиқ экани ҳақида гапирилди. Бу ерда вояга етган ажойиб ижрочилар авлодлари кенг кўпчилик орасида машҳур бўлди. Театр доимо юксак ғоявий ва юксак бадиий асарлар яратишга, янги-янги ифода шакллари ва воситаларини тинимсиз қидиришга интилиб келаётганлиги уқтириб ўтилди. Ш. Гунонинг «Фауст» сингари классик асарларини, ҳозирги замон композиторларидан Т. Хренниковнинг «Севгига севги билан», А. Петровнинг «Петр 1», О. Меликовнинг «Икки дил достони» сингари асарларини саҳналаштиришда бу изланишлар ўз ифодасини топди. Қардош совет республикаларидаги муаллифлар яратган асарларни саҳналаштириш, улар билан биргаликда ишлаш — театр коллективи бутун ижодиётининг интернационал моҳиятини ташкил этади.

Ҳозир театр артистлари, постановкачилари, бастакорлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми адабиёт ва санъатнинг барча арбоблари олдига қўйган катта вазифаларни биринчи галда ҳал этиш иштиёқи билан яшаб турганликлари кечада таъкидлаб ўтилди.

Кеча охирида байрам тамошаси кўрсатилди.

Тантанали кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«САЛЮТ-7» СТАНЦИЯСИДА ИККИНЧИ КУН

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 29 июнь. (ТАСС). «Салют-7» — «Союз Т-9» — «Космос-1443» илмий-тадқиқот комплексининг учиши давом этмоқда. Траектория ўлчаш маълумотларига кўра комплекс орбитасининг параметрлари қуйидагича:

— Ер юзидан максимал олислиги — 343 километр;

— Ер юзидан минимал олислиги — 328 километр;

— айланиш даври 91,1 минут;

— оғиши 51,6 градус.

Космонавтлар Владимир Ляхов ва Александр Александровнинг «Салют-7» станциясидаги иккинчи иш куни бугун Москва вақти билан соат 10 да бошланди ва соат 23 га қадар давом этади. Белгиланган программага мувофиқ экипаж станциянинг киши бошқарадиган учиш режимига ўтказиш тадбирларини амалга оширмоқда — ҳаёт таъминоти ҳамда ҳароратни ростлаш системаларини консервация ҳолатидан чиқармоқда, радиоалоқа воситаларининг ишлашини текшириб кўрмоқда.

Орбитал комплекснинг яшаш бўлмаларида ердагига яқин шароитлар сақланмоқда: босим симоб устунининг 750 миллиметрига баравар, температура эса Цельсий ҳисоби билан 18 градус.

Ляхов ва Александров ўртоқларнинг вазнсизлик шароитига кўникиш жараёни нормал ўтмоқда. Иккала космонавт ўзини яхши ҳис қилмоқда.

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев 29 июнь куни Кремлда амалий визит билан Совет Иттифоқига келган Умумгреция социалистик ҳаракати Марказий Комитетининг аъзоси, Греция савдо флоти министри Г. Кацифарасни қабул қилди.

Кемалар қатнови ва кемалар ремонти соҳасида Совет — Греция ҳамкорлиги масалалари, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув, амалий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОМСК МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп миллатли совет музика маданиятини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган, республика меҳнаткашларини бадиий-эстетик руҳда тарбиялашга актив кўмаклашган гастролларини муваффақиятли ўтказганлиги учун **Томск музикали комедия театри** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1983 йил, 29 июнь

Балет байрами

ССР Иттифоқи машҳур Большой театри балет артистлари Ўзбекистон пойтахтидаги ўз гастролларини 28 июнь куни «Шопениана» спектакли ҳамда бошқа спектакллардан парчалар кўрсатиш билан якунладилар. Саҳна усталарининг Тошкентдаги энг яхши залда — В. И. Ленин номли СССР ҳалқлари дўстлиги саройидаги ҳар бир спектакли зўр муваффақият билан ўтди. А. Аданнинг «Шопениана», «Жизель», У. Мусаевнинг «Ҳинд достони» балетлари ва тўққиз кун мобайнида намойиш этилган бошқа постановкалардан парчаларни ўттиз мингдан кўп киши томоша қилди.

—ССР Иттифоқи Большой театрининг ажойиб балети билан танишишга муяссар бўлган барча томошабинлар каби мен ҳам ҳайратдаман, юксак санъат билан бўлган янги учрашувдан олган таассуротларим хотирамда узоқ вақт сақланиб қолади, — деди В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси, СССР давлат мукофотининг лауреати И. М. Басанец. — Гастроллар мамлакат маданий ҳаётининг йирик маркази бўлиб қолган Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланганлигининг рамзий маъноси бор. Саҳна усталари билан янги учрашувларни сабрсизлик билан кутаётган барча тошкентликлар номидан Москва артистларига чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

—Улкан балет санъатининг Тошкентдаги байрами — республиканинг маданий ҳаётида ҳам ажойиб воқеа ва зўр ижодий мактабдир, — дейди СССР халқ артисти, СССР давлат мукофотининг лауреати Бернора Қориева. —Бизни, Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрининг артистларини СССР Большой театри билан анъанавий дўстлик ва ижодий ҳамкорлик алоқалари боғлаб турибди. Бу йилги учрашув айниқса шонли воқеа бўлди. Чунки учрашув КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумидан кейин ўтказилди. Пленумда адабиёт ва санъат арбоблари олдига катта вазифалар қўйилди. Ўзаро кенг фикрлашувлар, етакчи театр коллективи вакиллари билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш бизнинг ҳаммамизга ана шу вазифаларни ҳал этишда шубҳасиз ёрдам беради. Шу билан бирга гастроллар кўпи миллатли Ватан санъати равнақининг, қардош совет халқлари маданиятини ўзаро бойитиш жараёни самарадорлигининг яна бир ёрқин далили бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИДА

БОКУ, 29 июнь. (ТАСС). «Азернешр» республика нашриёти В. И. Ленин 55 томли Тўла асарлар тўпламининг 40-томини озарбайжон тилида босмадан чиқарди. Китобни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти нашрга тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИДА

Шу йил 28 июнда республика прокуратурасида бўлиб ўтган кенгашда социалистик мулкнинг дахлсизлигини таъминлашнинг аҳволи ҳамда КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилишга қарши курашни ва давлатга етказилган зарарни ундириб олишни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгашда министрликлар ва идораларнинг, юридик хизмат, контрол-ревизия ва бухгалтерия ходимлари, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Область советининг сессияси

НАМАНГАН, 29 июнь. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Наманган область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Область ижроия комитети раиси М. Обидшоевнинг область транспорт ва алоқа корхоналари ишининг аҳволи ва уни КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги доклади муҳокама қилинди.

«КОСМОС-1471» УЧИРИЛДИ

1983 йил 28 июнь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1471» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

Тошкент области саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, иш самарадорлиги ва сифатини юксалтириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик учинчи йили биринчи ярмининг планини 28 июнда бажардилар.

Июнь охиригача пландан ташқари 54 миллион сўмликка яқин маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Сурхондарё область саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб маҳсулот реализация қилиш, асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан ярим йиллик планни муддатидан илгари, 27 июнда бажарди. Олти ойлик пландан ташқари 7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ФХОФ билан ФОДФнинг қўшма мажлиси

ДАМАШҚ, 27 июнь. (ТАСС). Бу ерда Фаластин Халқ озодлиги фронти (ФХОФ) Сиёсий бюроси билан Фаластин озодлиги демократик фронти (ФОДФ) Сиёсий бюросининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Ҳозирги сиёсий аҳвол, шунингдек иккала ташкилот ўртасидаги муносабат масалалари кўриб чиқилди. Эълон қилинган ахборотда айтилишича, иккала фронтнинг умумий ҳарбий ва сиёсий раҳбарлигини тузишга қарор қилинган, бу раҳбарлик сиёсий аҳвол учун ва уларга қарашли ҳарбий бўлинмалар учун жавобгар бўлади. Иккала фронт ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг сафларини бирлаштириш мақсадида мана шу тадбир кўрилди.

Сурия президенти Ҳ. Асад ФХОФ бош секретари Ж. Хабаш бошчилигидаги шу фронт делегацияси билан учрашди. Сана агентлигининг хабар қилишича, томонлар араблар дунёсидаги вазият хусусида фикрлашиб олдилар, сионизм билан империализм араб мамлакатларига тазйиқ ўтказиш соҳасида қўйётган қадамларнинг хавф-хатарини уқтириб ўтдилар. Сурия Президенти Фаластин ҳаракатининг барча отрядлари бирлигини ва Фаластин Озодлик ташкилоти (ФОТ) бирлигини сақлаб қолиш муҳимлигини таъкидлади. Сурия, деди Ҳ. Асад, доимо ўзининг принципиал позициясига амал қилиб, фаластинлик араб халқи ўзининг қонуний ҳуқуқларига эришмагунча, шу халқ тарафини олаверади.

Фаластин Вафа агентлигининг хабар қилишича фаластинликлар ФАТҲ ташкилотининг Дамашқдаги доимий вакили Ғарбдаги оммавий ахборот воситаларининг Сурия территориясида ФАТХга қарашли барча бюро ва ваколатхонани ёпиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳақидаги хабарларини рад этди. ФАТҲ ваколатхоналари ва бюроларини ёпиш хусусида ҳеч қандай қарорлар қабул қилинмаганини таъкидлаймиз, деб уқтирди у. ФОТ ва ФАТҲнинг ваколатхоналари Сурия территориясининг ҳамма жойида бундан буён ҳам иш кўраверадилар.

Дамашқда Жазоир ташқи ишлар министри А. Т. Иброҳими билан ФОДФ бош секретари Н. Хаватманинг учрашуви бўлиб ўтди. Томонлар Фаластин саҳнасидаги ва Сурия—Фаластин муносабатларидаги ўзгаришларни муҳокама қилдилар, деб хабар қилади Вафа агентлиги. Иброҳими ФОТ доирасидаги миллий бирликни сақлаб қолиш ишида Фаластин революциясининг ватанпарвар кучлари ғоят муҳим роль ўтнаётганликларини таъкидлади. Жазоир Фаластин революциясини қўллаб-қувватлаш сиёсатини ҳамда ФОТ бирлиги ва мустакиллигини сақлаб қолиш мақсадида унинг ичида рўй берган зиддиятларни бартараф этиш сиёсатини давом эттираверади, деди Жазоир министри.

Агентликларнинг хабарларига қараганда, Я. Арафат ҳозир Тунисда турибди, яқин вақт ичида у Жазоирга йўл олади.

Мозамбик Халқ Республикаси партия ва ҳукумати янги жамият қуриш ишида улкан роль ўйнаётган ёш авлодга катта умид боғламоқда. Мамлакатда миллий реконструкция жараёни мураккаб вазиятларда ўтмоқда. Халқаро империализм Африкадаги мустақил давлатларга қарши қўпорувчилик ишлари олиб бормоқда, Мозамбик Халқ Республикаси социал-иқтисодий ривожланишига барча воситалар билан тўсқинлик қилмоқда. Мозамбик революциясининг душманлари очиқ ҳарбий ғиғвогарлик, диверсия ва саботаж йўли билан революция ютуқларини барбод қилишга уринмоқда. Мозамбиклик йигит ва қизлар мамлакат территориал бутунлигини, мустақиллигини ва озодлигини ҳимоя қилиш ишида актив қатнашмоқдалар. СУРАТДА: революция ютуқлари ҳимоячиси. В. Мастюков фотоси (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Брно шаҳридаги «Зетор» заводининг конструкторлик бюросида ғилдиракли тракторнинг янги модели ҳозирги замон машинасозлигининг сўнгги ютуқлари асосида яратилди.

Корхона инженерлари ва мутахассислари жаҳондаги 60 та мамлакатда муваффақиятли ишлатилаётган машҳур Чехословакия машиналарининг бешинчи хилини яратдилар. Янги трактор аввалгиларига қараганда биринчидан зўр тежамкорлиги билан фарқ қилади. Двигателдаги янгиликлар қувватни ошириш билан бир вақтнинг ўзида ёқилғи сарфини 4,5 процент камайтиришга имкон берди.

Тракторсозлик — республика халқ хўжалигининг нисбатан ёш, лекин тез ривожланаётган тармоғидир. «Зетор» заводи ташкил этилганидан буён ўтган 30 йил мобайнида унинг конвейерларидан қарийб 800 мингта трактор чиқди.

БАЙРУТ. Исроил интервенциячилари Ливаннинг босиб олинган территорияларида аҳолига қарши террор ва репрессия кампаниясини авж олдириб, Бекаа водийсидаги Машгара қишлоғида оммавий қуршаб олиб, тинтув ўтказдилар. Ўндан кўп киши қамоқ қа ташланди.

Исроиллик соқчилар Аммик ва Ал-Мансур аҳоли пунктлари районида ўз участкаларида меҳнат қилаётган ливанлик деҳқонларга қарата ўт очганликлари ҳам хабар қилинади.

ЮНЕСКО вакили З. Л. Ньканза хоним конференцияда нутқ сўзлаб, ривожланган мамлакатларнинг тараққиёти яппи ва тўла қуролсизланиш ҳамда Африкада ва бутун ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш проблемаларини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқдир, деб таъкидлади.

(ТАСС, 29 июнь).

ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

СУВЧИ—ҒЎЗАНИ ЯШНАТУВЧИ

Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз сувчилари июлни ғўза суғоришда зарбдор ой деб эълон қилдилар. Улар 1400 гектар майдондаги ўсимликни кеча-кундуз обиҳаётга қондириб, гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Хўжаликда 160 сувчи тер тўкиб меҳнат қиляпти. Қосим Эгамов, Муҳаммаджон Очилов, Ҳалим Жўраев, Маҳдали Жалиловлар сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, самарадорликни оширишда ибрат кўрсатмоқдалар.

Қуйида тажрибали сувчи Қосим Дарвишовнинг барча сувчиларга маслаҳатини ўқийсиз.



Деҳқон ҳисобича чилла кирди. Чиллада уч муҳим муаммо ҳал бўлади. Биринчи, ғўзаларнинг ўсиши, ривожланиши тезлашиб, ҳосил тўплаши маромига етади. Иккинчи, шоналар ёппасига гулларга, гуллар кўсакларга айланади, кўсакларнинг сони кўпайиб, салмоғи ортади. Учинчи, эртаки, сифати юқори, толаси узун ва пишиқ пахта олишга мустаҳкам замин яратилади. Бошқачасига айтганда, кузда тарозига қўйилиб, давлат омборига топшириладиган пахтанинг тақдири июль ойида ҳал қилинади. Август ойида эса ҳосилга ҳосил қўшилади.

Пахтачиликда июль ойи бошқа ойларга қиёсланганда анча мураккаб ва масъулиятлидир. Бу ойда ҳарорат энг юқори нуқтага кўтарилади. Бунинг устига қийғос ҳосил тўплаётган ва уни етилтириб пишираётган ғўзаларнинг комплекс парвариш — культивация, чопиқ, ўғит, ишлов бўлган эҳтиёжи кескин ортади. Минерал ўғитлар июль ойининг биринчи ўн кунлигида берилиб бўлинганлиги туфайли иккинчи ва учинчи ўн кунлигида айниқса, «шарбат» сувини кўпроқ талаб қилади. Масаланинг яна бир нозик жиҳати шундаки, ғўзалар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, юқори ҳарорат таъсирида турли қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларининг кўпайиши ва кенг тарқалиши хавфи туғилади.

Кўп йиллик тажрибага таяниб келтирилган фактлардан чиқадиган хулоса шуки, июль пахтакорларимиз учун энг долзарб ва масъулиятли ойдир. Пахтадан планларимиз ва социалистик мажбуриятларимизни — қоплайдиган даражада мўл-кўл ҳосил етиштирмоқ учун июлни ғўза парваришида чинакам зарбдор меҳнат ойига айлантирмоғимиз, дала ишлари комплексини соатлар сайингина эмас, дақиқалар сайин кучайтирмоғимиз лозим. Ой давомида ҳар бир киши виждон амри билан меҳнат қилиши керак. Биророта техника воситаси пахтазордан чиқарилмаси. Ғўзалар толиқтирилмай парваришланиши, чанқатмай суғорилиши, очиқтирмай озиқлантирилиши, зараркунандалар ва касалликлардан муҳофаза қилиниши зарур. Ёрдамчи кучлар, техника, ички резервлар ҳам шу мақсад йўлига сафарбар этилмоғи лозим. Хуллас ҳар бир туп ғўза қалб қўри, деҳқон меҳри билан ардоқлаб парвариш қилиниши керак.

Ғўзалар ёппасига ҳосил тўплаётган шу кунларда, айниқса июль ойи давомида кўп сув талаб қилади. Шундай экан деб ортиқча, унарунмасга суғорилаверса яп-роқлари катталашиб ғовлаб кетади. Ҳосил нишоналари бўлмиш кўсаклар қуёш нуридан яхши баҳраманд бўлолмай қолади, етилиши кечикади. Бунинг устига сув ирсофгарчилиги юз беради. Ғўзани нормадан кам сув билан суғориш ҳам хавфли. Ҳосил нишоналари тўкилиб кетади. Хулоса шуки, ғўзаларни ғовлатиб ҳам юбормаслигимиз, чанқатиб ҳам қўймаслигимиз, бунинг учун суғоришни белгиланган меъёр бўйича кеча-кундуз сифатли ўтказишимиз керак.

Ғўзани суғоришдан мақсад уни ўсиш, ривожланишини жадаллаштириб, пахтадан мўл ва эртаки ҳосил олишга эришишдир. Ғўзалар чанқаган кезда суғорилса, шохлари калта бўғин бўлиб ўса бошлайди. Бундай ғўзалар серҳосил бўлади. Шунинг эътиборга лойиқки, ўсимлик оби-тобида суғорилганда илдизлар мустаҳкамланади. Асосий поя ва шохлар бир кеча-кундузда ўзаяриб, қорақўчқароқ ранга киради. Шоналар, гуллар яшнаб, кўсаклар бўртиб яқол кўзга ташланиб қолади. Сувчиларимизнинг вазифаси бутун июль ойи давомида ғўзаларни сувга бўлган эҳтиёжини тўла ҳисобга олган ҳолда суғоришни кеча-кундуз қатъий норма бўйича ўтказишдан иборат. Токи, биророта туп ғўза сувга қонмай қолмасин ёки ортиқча сув ғўзани эзиб қўймасин!

Ҳозир меҳр билан парваришланаётган ғўзалар дуркун ўсиб, ҳосил шохлари бир-бирига киришиб кетди. Бунда тезда суғоришни текис ўтказишга алоҳида эътибор бериш керак. Гап шундаки, пайкал бошидан қаралса сув эгатларда текис оқаётганга ўхшайди. Лекин пайкал ўртасига борганда анчагина майдондаги ғўзаларни сув босиб қолади. Пайкал охирида яна одатдагидек оқаверади. Хулоса шуки, сувчилар кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб, пайкалларни оралаб юрсинлар, сувнинг эгатлар бўйлаб равон оқишини кузатиб борсинлар. Шунда сув пайкаллар ўртасида тўпланиб, қўлхоб ҳосил бўлмайди. Оқибатда ҳосил нишоналари тўла сақланиб қолади. Оқпалак касаллигининг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

Республикамизнинг сув хўжалиги системаси ходимлари ва илғор сувчиларнинг матбуотда эълон қилинган даъватини яна бир карра ёдга олиб, ғўзаларни суғоришни шу маслаҳатлар асосида ташкил этмоғимиз лозим. Халқимиз сувни зарга, сувчини заргарга қиёслайди. Шундай экан бутун маҳоратимизни ишга солиб, касбимизни шарафлайлик. Сув кўп бўлса — уни тежайлик, оз бўлса — ҳар қатрасидан оқилона фойдаланайлик. Энг муҳими — сув ирсофгарчилигига асло йўл қўймайлик.

Карталарга сув тарашдан олдин ўқариқлар, шохариқларни яна бир карра кўздан кечириб чиқмоғимиз, эгатларнинг бош қисмини сувнинг равон оқишига мослаштирмоғимиз ёки деҳқон тилида «ремонт» қилмоғимиз лозим. Шуни унутмаслик керакки, эгатларга таралган сув бошидан охиригача унинг узунлигига қараб йигирма тўрт соат оққандагина ғўзалар обиҳаётга тўла қонади, марзадаги тупроқ қораяди. Буни «тупроқ кўсди» деймиз. Ҳамма жойда суғоришни ана шундай ўтказмоғимиз керак. Сувчилар сонини кўпайтириш, уларнинг унумли ишлашларига қулай шароитлар яратиб бериш зарур. Июль ойида суғоришни энг юқори агротехника қоидалари асосида ўтказиш, айниқса, муҳим бурчимиздир. Бу билан пахтадан мўл-кўл ва эртаки ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратамиз.

Афсуски, айрим жойларда ғўзаларни суғоришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Аввало, сувчилар сони кам. Уларнинг сонини кўпайтириб, ҳар қатра сувдан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш чоралари кўрилмаяпти. Қолаверса, сув тақчиллиги сезилаётган бир кезда исрофгарчиликка йўл қўйиляпти. Ғўзаларга наф келтирадиган сувнинг бир қисми зовурлар, йўллар ва бошқа кераксиз жойларга оқиб ётибди. Ҳар қатра обиҳаёт учун сув хўжалиги системаси ходимлари ва сувчилардан қаттиқ масъулият талаб қилиш керак. Илғорларни рағбатлантириб, исрофгарчиликка йўл қўйган кишиларни тартибга чақириш лозим.

Баъзи сувчиларимиз кўллатиб ва чўллатиб суғориш ҳолларига йўл қўймоқдалар. Айниқса, нотекис, ўнқир-чўнқир, қиялик карталардаги ғўзаларни суғоришда шундай нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Сувчиларимиз деҳқончилик санъатларини ишга солмоқлари, ғўзаларни кўллатиб ва чўллатиб суғоришга мутлақо йўл қўймасликлари лозим. Суғориш текис бўлса, ҳосил ҳам текис ва юқори бўлади, кўсаклар баравар етилиб, барвақт очилади, пахтанинг салмоғи ортади.

Сув кўп ёки оз бўлишидан қатъи назар ундан оқилона фойдаланиш чоралари кўрилмаса кутилганча натижага эришиб бўлмайди. Сув камоб бўляпти деяпмиз. Демак, зовурлар, булоқлар ва бошқа манбаларнинг сувидан ҳам тадбиркорлик билан фойдаланмоғимиз керак. Сув тақчиллигидан нолишга кетадиган вақтни бор имкониятлардан фойдаланишга сарфласак, яхши натижага эришамиз. Бунинг учун мутахассислар ва бошқа мутасадди ўртоқларнинг ташкилотчилик роли ва масъулияти оширилиши керак.

Юқорида таъкидлангандек сувчилик заргарликдай нозик касб. Ҳаммамиз бутун санъатимизни ишга солиб, ғўзаларни оби-тобида суғорсак, ер етилиши билан чуқур культивация, кетмон чопиғи ўтказиб намни тўла сақлаб қолсак, айниқса «шарбат» сувини беришни кучайтирсак пахтадан сўзсиз юқори ҳосил оламиз, планлар ва мажбуриятларимизни ортиғи билан бажарамиз. Бунинг учун июль ойини ғўзаларни суғоришда зарбдор меҳнат ойига айлантирайлик! Сувчилик касбимизни рекорд ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшиш билан шарафлайлик!

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор сувчи Қосим Дарвишов. 2. Қ. Дарвишов ғўзага сув тараяпти.

В. Молгачёв фотолари.

МЕҲНАТ ЗАВҚИ

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИНИНГ ХАТЛАРИНИ ЎҚИБ

Серқуёш республикамиз далаларида ҳаёт қайнаяпти. Галлакорлар ўримни кун сайин жадаллаштириб, етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмаслик чора-тадбирларини кўришаётир. Боғдорчилик ва сабзавотчилик эртаги экинларни йиғиштириб олиб, шаҳарликлар дастурхонига етказиб беришаётир. Ҳосилдан бўшаган майдонлар зудлик билан ҳайдалиб, такрорий экинлар экилмоқда. Боғларда ҳам мева териш авжида. Соҳибкорлар меваларни саралаб теришга, истеъмолчиларга фақат аъло сифатли маҳсулот етказиб беришга ҳаракат қилишяпти. Ем-хашак тўпловчилар, маккажўхорикорларнинг ҳам кўли-кўлига тегмайди.

Пахтакор меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. Шонли механизаторлар, обиқаёт тараётган сувчилар ўзаро ҳамкорликда меҳнат қилишяпти. Ҳар бир туп ғўза алоҳида меҳр, қалб қўри билан ардоқланиб парвариш қилинаётир. Бу ўзининг дастлабки натижасини берди. Кун сайин кўкка бўй чўзаётган ғўзаларда ғуж-ғуж шона, ранг-ранг гуллар пайдо бўлгани кўзни қувонтиради. Хуллас, кузда тикланадиган «оқ олтин» хирмонларига чинакамига пухта ва мустаҳкам замин яратилаётир.

—Зедарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Олияхон Жўраева пайкал оралаб юрибди. У ишнинг сифатини, ғўзанинг ривожини кўздан кечираяпти. Олияхон ижрони текширишга, ишнинг қандай бажарилганини кузатишга одатланган. Шу туфайли бригадада пахта ҳосилдорлиги тобора ортиб бораяпти, — деб ёзади жамоатчи мухбир Б. Маҳмудов. — Бу йил депутат бошлиқ коллектив 106 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Ҳозир ғўзалар икки марта ишловдан чиқарилиб, озиқлантирилди. Деҳқон меҳрига қонган ғўзалар барқ уриб ривожланяпти.

—Ғиждувон районидаги Ленин номли колхознинг Эрдон Ёдгоров бошлиқ бригадаси аъзолари 90 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган. Ғўзаларнинг ривожи бу марра сўзсиз эгалланишидан далолатдир. Бу ҳақда Насриддин Бо-

тиров ёзиб юборган. Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхознинг 60 центнерчи бригадаси бошлиғи Бегмат Пирматов даласида мўл ҳосил етиштирилаётганини Қодир Сайдохунов мактубидан ўқиймиз. Худди шундай ибратли ишларни чортоқлик мухбир Юсуфжон Тошқўзиев ҳам қаламга олган.

Қишлоқ мухбири С. Қўчқоров Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Ленин орденли Раҳматжон Дадабоев, Меҳнат Қизил Байрок орденлари кавалерлари Қаноатхон Олимова, Алиёр Арслонов етакчилик қилаётган бригадаларда ғўза гуллаганини хабар қилади.

Жамоатчи мухбирлардан И. Мустафоев, Х. Отамуродов, Т. Зокиров, А. Аҳадов, Р. Неъматов, Р. Жуманиёзова, Ў. Саидов ўртоқларнинг ёзишича Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхозида, Амударё районидаги «Қипчоқ» совхозида, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозида, Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозида, Қизилтепа районидаги «Ўзбекистон» колхозида, Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозида, Иштихон районидаги «Муродобод» колхозида юбилей йили хирмонининг сербарака бўлиши учун мустаҳкам замин яратилаётир.

— Косонсой районидаги «Бухоро» совхозининг Абдурраҳмон Қаюмов бригадаси миришкор деҳқонлари мамлакат Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар. Шу кунларда эртаги экинлар пешма-пеш йиғиштириб олинаётир. Дастлабки ҳисобларга кўра ҳар гектар ердан 250 центнердан карам олинди. Саримсоқпиёз ҳосилдорлиги 220 центнерга етди. Бу сатрлар жамоатчи мухбиримиз Ю. Шарипов қаламига мансуб.

— Зедарё районидаги маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган «СССР 60 йиллиги» совхозининг Олимжон Қорабоев етакчилик қилаётган звенои аъзолари 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 110 центнердан «кахрабо дон» етиштириш учун курашмоқдалар. Айни вақтда паҳлавон экин қондириб суғорилаётир. Айниқса, «шарбат» оқизишга алоҳида эътибор бериляпти. Меҳр билан парвариш қилинган маккажўхори сўталай бошлади, — деб қувонч билан ёзади Қодиржон Маликов.

Чортоқ районидан С. Даминов, Наманган районидан А. Раҳимов, Ўзбекистон районидан Р. Раҳматуллаев, Чуст районидан Ҳ. Маматов ўртоқлар ҳам етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олаётганларнинг мардона меҳнатлари ҳақида тўлқинланиб ёзишган.

Социалистик мажбуриятларни қандай бажаряпсиз?

МЎЛ - КЎЛЧИЛИККА ҲИССА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида Янгиариқ район хўжаликлари чорвачилик маҳсулотларн етиштиришни кўпайтиришда қўлга киритаётган ютуқлар алоҳида қайд қилинди. «Совет Ўзбекистони» мухбири район партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудири Баҳодир Бобожонов билан суҳбатлашиб, унга баъзи саволлар билан мурожаат этди.

— Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида қисқача гапириб берсангиз?

— Беш ойлик якунлар чакки бўлмади: ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан гўшт қариб 20 процент, сут 16 процент, тухум 24 процент кўпайди. Бу рақамлар социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилаётганлигини кўрсатиб турибди. Давлатга 585 тонна ўрнига 600 тоннага яқин бўрдоқи гўшти сотилиб, йиллик гўшт тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг вазни 414 килограммни ташкил этди, яъни ўтган йилдагидан 6 килограмм ошди.

Киров номли, «1 Май», «Москва» колхозлари гўшт етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Давлатга 2 минг тоннадан ортиқ сут сотилиб, ярим йиллик план муддатидан илгари адо этилди. «Москва» колхози сут соғувчиси, райком аъзоси Онабиби Салаева беш ой ичида ҳар бош сигирдан икки минг килограмм сут соғиб олди. Илғор чорвадорлар юксак мажбуриятларни бажаришда ибрат бўлишяпти. Айниқса, ферма коммунистлари Озиқ-овқат программасини бажариш йўлида астойдил кураш олиб боратирлар.

— Қўлга киритилаётган ютуқларнинг омиллари нимада? Гўшт, сут қандай қилиб кўпайтириляпти?

— Фермаларда чорва молларни асраш ва боқишда фан ютуқлари ҳамда илғорлар тажрибаси изчиллик билан жорий этилмоқда. Сигирларнинг 94 процентини зотдор ва серсут говмишлар ташкил қилади. Сигирларнинг қисир қолиши кескин камайтирилди. Молларни семиртириш ҳисобига гўштни кўпайтиришда колхозлараро бўрдоқичилик пункти яхши натижаларга эришаётир.

«Коммуна» колхозида 1500 бошга мўлжалланган ғунажин ўстириш комплекси барпо қилинмоқда. Киров номли колхозда механизациялашган сигирхона, озуқа цехи ишга туширилди. Ўч колхозда паррандахона механизациялаштирилди. Чорвачилик фермаларига 50 дан ортиқ малакали мутахассис ва коммунистлар ишга борганлиги тармоқни жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ферма партия ташкилотлари чорвадорлар ўртасида кенг қулоч ёйган социалистик мусобақага моҳирлик билан етакчилик қилишяпти.

— Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам кўп иш қилинганлиги шубҳасиз. Озуқа тайёрлаш қандай боряпти?

— Район хўжаликлари 817 гектар эски, 563 гектар янги бедапояларда биринчи ўримни ўз муддатида ўтказдилар. Дастлабки ўримда ҳар гектаридан 53 центнердан қуруқ беда пичани олинди. Ҳозир иккинчи ўрим бошланди. Беда ҳосилдорлиги гектар бошига 230 центнерга етказилади.

Планда белгиланган 1200 гектар ўрнига 1400 гектар ерга маккажўхори экилиб, ўсимлик агротехника талаблари асосида парвариш қилинмоқда. Маккажўхорикорлар ҳар гектаридан юз центнердан «кахрабо дон» олиш мажбуриятини қабул қилишган. 22 минг тонна маккажўхори силоси, 8 минг тонна беда сенажи, 26 минг тонна дағал хашак жамғариш юзасидан белгиланган топшириқнинг бажарилиши сўзсиз таъминланади.

Район партия ташкилотларининг шу кунлардаги диққат-эътибори чорвачиликнинг маҳсулдорлигини бутун чоралар билан оширишга, ем-хашак тайёрлаш суръатини тезлатишга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорини собитқадамлик билан амалга оширишга қаратилмоқда. Сўзи билан иши бир бўлган чорвадорларимиз кўплаб озуқа жамғариб, чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшадилар. Ҳозир далаларимизда кун сайин авж олаётган меҳнат жўшқинлиги шундан далолат бериб турибди.

СОВХОЗДА БИОФАБРИКА

«Ёзёвон» совхози райондаги йирик хўжаликлардан биридир. Совхоз марди-майдонлари ўн минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Улар бу марранй эгаллаш учун барча имкониятларни ишга солиб, ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдалар Айни вақтда ҳосил кушандаси бўлган зарарли ҳашаротларга қаршн кураш олиб борилаётир. Яқинда совхоз усталарининг лойиҳаси ва кучи билан биофабрика қурилиб, фойдаланишга топширилди. 14 хонадан иборат бўлган бу фабрика икки линияда ишлайди. Бир неча турдаги фойдали ҳашаротларни кўпайтиради.

Биофабрика коллективи бу йил 1 миллион 200 минг хабробракон тайёрлаш мақсадида иш олиб боришяпти. Бу минг гектар майдондагн кўсак қуртн ва шунча майдондаги қурт тухумнн йўқотиш имконнни беради. Фойдали ҳашаротларни кўпайтириш йўлида Ҳусанбой Хўжақулов бошлиқ 17 кишн иш олиб боряпти. Жамплахон Ғафурова, Султонали Сорибоев, Турсуной Тўрақулова, Карнмахон Қосимова сингари мутахассислар намуна кўрсатяптилар.

Биофабрика тўла қувват билан ишга тушнрилгач, келгуси йилдан бошлаб совхознинг барча пахта майдонларида кўсак қурти ва унинг тухумига қирон келтнрувчи фойдали ҳашаротларни кўпайтириш имкониятига эга бўлнладн. Биофабрикада фойдали ҳашаротлар тайёрлаш ва уларнинг турлари янада кўпайтирнлади. Келгусида биофабрика маҳсулотларини қўшнн хўжалнкларга ҳам тарқатнш кўзда тутилаётир.

А. МАДРАҲИМОВ,
Езёвон районн.

БИР ЙИЛДА ИККИ ЙИЛЛИК ОЗУҚА УЧУН

ЧОРВАНГ ТЎҚ, КЎНГЛИНГ ТЎҚ

Марказий Фарғона массивининг қоқ марказига жойлашган Задарё районидаги Навоий номли колхозда пахтачилик ва деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам юксалиб боряпти. Кейинги йилларда барча экинлар ҳосилдорлиги ортиб, чорва моллар маҳсулдорлиги кўпайди. Колхоз аъзолари СССР Озиқ-овқат программасида қўйилган вазифаларнинг тўла-тўкис бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш мақсадида бу йил ҳам катта вазифаларни амалга оширишга аҳд қилишган. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайтирилади. Гўшт тайёрлаш 235 тоннага етказилади. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 30 тонна кўпдир. Сут эса 810 тоннадан 920 тоннага, тухум 211 минг донадан 230 минг донага етказилади.

Кўриниб турибдики, мажбуриятлар юксак. Бу маррани эгаллаш йўлида сарфланаётган куч-ғайрат ҳозирнинг ўзидаёқ ўз самарасини берди. Йилнинг ўтган ойларида 1982 йилнинг шу давридагига нисбатан гўшт етиштириш 12 процент, сут тўқ қиз процент, тухум эса 17 процент ўсди.

Эришилаётган бу ютуқларда чорва моллари юксак зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилиш билан бир қаторда мўл-кўл озуқа жамғариб қўйилганлиги муҳим роль ўйнади. Шунинг учун бу йил ҳам озуқа экинлари етиштиришга катта эътибор берилмоқда. Агар ўтган йили 80 гектар майдонга оралиқ экин экилган бўлса, бу йил 160 гектарга етказилди. Сифатли парвариш қилингани туфайли оралиқ экиндан мўл-кўл ҳосил олинди. Ҳар гектар майдондан 400—450 центнердан жавдар-рапс ва жавдар-перко йиғиштириб олинди. Бу билан икки томонлама ютилди. Биринчидан бу сервитамин, сершира экин чорва озуқа базасини мустаҳкамлади. Иккинчидан, молларнинг оғзи жуда эрта кўкка тегди. Оқибатда сигирлар маҳсулдорлиги ортди.

Колхозда озуқа экинлари етиштириладиган майдонлар коллектив пудрати бўйича 6 та звенога бўлиб берилган. Бу звеноларга Азимбой Йўлдошев, Мамажон Кенжаев, Усмонали Ўринов сингари миришкор ва ишбилармон кишилар раҳбарлик қилмоқда. Шуниси қувончлики, бу звенолар етарли техника воситалари билан таъминланган.

Бу йил 120 гектар майдонда маккажўхори, 140 гектар майдонда эса беда етиштирилаётир. Шу кунларда хўжаликка йўлингиз тушиб қолса, ям-яшил ғўза пайкаллари билан бирга барқ уриб ривожланаётган маккажўхорини кўриб кўзингиз қувнайди. Кўм-кўк бедазордан ҳам мўл ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Ҳозир беданинг икки ўрими ўтказилиб, кўзда тутилганидан бир ярим баравар кўп ҳосил олинди.

Маккажўхоризорларда ҳам иш қизғин. Сувчилар обиҳаёт тарашмоқда. Улар сувни эгатларда жилдиратиб оқизишга алоҳида эътибор беришмоқда. Шунда эгатларга солинган минерал ва маҳаллий ўғит сув билан оқиб кетмайди. Экин улардан яхши баҳраманд бўлади.

— Бедазорда камида 5 маротаба ўрим ўтказиб, 220—230 центнердан ҳосил оламиз. Маккажўхорикорларимиз 500 центнердан кўкпоя, 100 центнердан «кахрабо дон» олишга аҳд қилишган. Хашаки лавлаги ҳосилдорлигини 1200 центнерга етказамиз, — дейди колхоз раиси Абдуқаким Мардонқулов. — Бу билан икки йилга бемалол етадиган ем-хашак жамғарамиз. Чорваси гўқнинг кўнгли тўқ, дегандек озуқа мўл-кўллигини таъминлаб, чорванинг рентабеллик даражасини ўтган йилдагидан 6 процент оширишга ёки 16 процент бўлишига эришамиз. Бошқачасига айтганда, ўтган йили 30 минг сўм фойда кўрган бўлсак, бу йил 50 минг сўмни кўзлаб турибмиз.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

СЕРШОНА ҒЎЗАЛАР

Қўрғ Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхознинг Усмон Бозоров бошбошлиқ бригадаси аъзолари 100 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдалар. Бригада заршунос лари нноҳолларни тўла ундирнб олиб, ғўза парваришнни агротехника қоидалари асосида намунали бошлаган эдилар. Ҳозиргача уч марта ишловдан ва биринчи сувдан чиқарилди. Минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди.

Дала ишлари ўюшқоқлик билан ташкил этилганлиги туфайли ҳам ғўза баравж ривожланмоқда. Ёппасига шона лаган ниҳоллар бир текис гул ламоқда. Коллектив қўрғ ернинг ҳар гектаридан бу йил камида 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун ғўзе парваришн билан боғлиқ ҳар бир тадбирни ўз вақтида сифатли амалга оширмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯНГИ ЛУҒАТ

Икки томлик академик рус-ча-ўзбекча луғатнинг биринчи томи босилиб чиқди. Уни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти тайёрлаган.

Ўзбек Совет Энциклопедиясининг бош редакцияси яратган луғат — кўп йиллик меҳнат якунидир. Унинг иккала томида ҳозирги рус адабий тилининг энг кўп ишлатиладиган лексикаси ва фразеологияси кенг кўламда берилган. Луғатга кейинги ўн йил ичида ишлатила бошлаган сўзлар, шунингдек ана шу пайт ичида ўз маъносини ўзгартирган сўзлар киритилган, архаик сўзлар эса ундан чиқариб ташланган.

Китоб таржимонларга, тилшунос олимлар ва адабиётшуносларга, ёзувчилар, журналистлар, студентларга, кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

[ЎзТАГ].

ЎРМОНДА ЎРИМ

Баҳмал ва Санзор ўрмон хўжаликларининг экинзорларига ўроқ тушди: бу ерда беда ўрими авжида. Ўрмон ходимлари қорамоллар учун кўк ем тайёрламоқдалар, қўриқхоналардаги ёввойи ҳайвонлар ҳамда паррандалар учун қишга ем ғамламоқдалар.

Республика ўрмон хўжаликларининг ходимлари бу йил етти минг тонна тўйимли ўт тайёрлашни мўлжаллашмоқдалар. (ЎзТАГ).

ЯНГИЛИКЛАР *83

НАМАНГАН

ТЕХНИКА ХИЗМАТИ СТАНЦИЯСИ

Уйчи ва Учқўрғон районларининг чегарасида катта автомагистралнинг четида шахсий автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш станциясининг ишга туширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо қисқа вақт ичида станция ходимлари кўплаб кишиларнинг ҳожатини чиқариб, уларнинг ҳурматига сазовор бўлишди. Таклиф ва шикоятлар дафтарини варақласангиз, станция ишчи ва хизматчилари шаънига фақат миннатдорчиликлар билдирилган сўзларни ўқийсиз. Учқўрғон район Ленин номли колхозда яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Раҳмон Аҳмедов, учқўрғонлик пенсионер Аҳмад Деҳқонов шахсий автомашиналарини қисқа муддатда, сифатли созлаб беришгани учун слесарларга ташаккур изҳор этишибди.

Худди шу мазмундаги фикрларни Чортоқ, Уйчи районлари ва қўшни Қирғизистон ССРда яшовчи бир гуруҳ меҳнаткашлар ҳам ёзиб қолдиришибди.

Станцияда автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш учун барча шароитлар яратиб берилган. Техник қаровга муҳтож автомашиналар дастлаб ювиб-тозаланади. Ишлаб чиқариш бўлимида «диагноз» қўйилади. Кейин эса улкан ва чароғон цехга ремонтчи автослесарлар ва мастерларга «даволаш» учун чиқарилади. Слесарь ва вулканизаторларнинг аксарияти бу соҳада кўп йиллардан бери ишлаб анча малака орттиришган бўлса, бир гуруҳ ёшлар эса РСФСРдаги турдош корхоналарда малака ошириб қайтишган.

Айни пайтда станция ишчиларидан 12 нафари Тольятти ва Москвадаги автомобиль заводларида маҳоратларини оширишяпти.

Станция ҳар ойда 600 автомашинага техника хизмати кўрсатиш қувватига эга.

ГУЛ БАРГИДАН

Наманган гуллар диёри. Шунинг учун шаҳардаги консерва заводи коллективи бир неча йилларидан бери атиргул баргидан мураббо тайёрламоқда. Куни-кеча корхонада бу йилги гуллар ялпоғидан ширинлик тайёрлаш бошланди. Ишчи[illegible]нинг [illegible]нинг ғарби-шимо[illegible]ли банка турли мурабболар ишлаб чиқариб ,эл дастурхонига тортиқ этишга аҳд қилишган.

Шунингдек ток баргини қишга асраш учун консерва қилишга ҳам киришилди. Мавсумда 50 минг шартли банка ток барги консервалаштирилади.

ҚИШЛОҚ КОРХОНАЛАРИ

Сўнгги йилларда областда қишлоқ жойларда йирик корхоналарнинг филиалларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Ўтган беш йилликда 12 жойда филиал ва цехлар қуриб, ишга туширилди. Натижада йилига 23 миллион сўмлик ҳар хил турдаги маҳсулотлар тайёрлаш имкони яратилди. Ҳозирга келиб областдаги район марказлари аҳолиси кўп бўлган қишлоқларда 26 та филиал фаолият кўрсатяпти. Уларда 34 миллион сўмлик кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шу йил охирига қадар Уйчи ва Ҳаққўлободда ип-газлама комбинатининг филиали қурилиши тугалланиб ишга туширилади. Яқин йиллар ичида Тўрақўрғон районидаги Оқтош посёлкаси ва Сарой қишлоғида лак-бўёқ ҳамда қишлоқ хўжалик ускуналари заводлари қад ростлайди. Чортоқ районида эса консерва заводи ва трикотаж фабрикаси қуриш кўзда тутилган. Мазкур корхоналарнинг ишга туширилиши туфайли яна 40—50 минг киши халқ хўжалигининг муҳим участкаларига ишга жалб этилди.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

КАМОЛОТ

ҲА, ЧИНАКАМ САНЪАТ асарларида кишини шўҳ ҳантирувчи ажойиб фазилатлар мужассам бўлади. Сиз уларга тикила туриб, тўлқинланасиз, юрагингизда диловор туйғулар қўзғалади. Беихтиёр ҳаёт ҳақида, инсон умри ҳақида ва яратувчиликнинг тенгсиз ҳамияти ҳақида ўйлаб кетасиз. Таниқли рассом Баҳодир Жалоловнинг «Рақснинг туғилиши» асари ана шундай яшовчан намуналар сирасига киради. Бу монументал асар, гарчи бўёқлар жилосига у қадар бой бўлмаса-да, пурмаънолиги ва бетакрорлиги билан кишини мафтун этади. Унга кўзингиз тушган ҳамоно руҳингиз тетиклашганлигини, қалбингизда фахр-ифтихор ҳисси қатори қанчадан қанча олижаноб туйғулар жўш урганлигини сезасиз.

Асар марказида камалак янглиғ жилоланган рамзий безак — шавкат гултожи раққоса сиймосини, унинг мағрур, пурвиқор қоматини тамомила чулғаб турибди. Раққоса — донги оламга кетган, санъат оламида ўзининг бетакрор мактабини яратган рақс назариётчиси, балетмейстер, педагог, жамоат арбоби, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Мукаррама Турғунбоевадир. «Мукаррам бетакрор талант эгаси эди. Ўзбек саҳнасига бамисоли чақмоқдек кириб келди», деган эди СССР халқ артисти Тамарахоним. Баайни, шу хусусият асарда, яъни раққосанинг орзуманд сиймосида ёрқин бўёқларда ифода этилган ва бу киши эътиборини беихтиёр ўзига жалб этади. Гултожнинг икки қабатида — ҳаёлий безаклар оғушида интилувчан малакларнинг сержозиба, сарв қоматлари ифода этилган. Мукаррама Турғунбоева сари талпинаётган бу санамлар —санъатга ташна диллар, яъни машҳур раққосанинг ёниқ қалб талабалари, эндиликда жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли балериналари ва раққосаларидир. Биз ушбу асарга тикила туриб, беихтиёр СССР халқ артисти Ғаффор Валломатзоданинг: «Мукаррама Турғунбоева хореография санъатининг атоқли намояндаси бўлиб, тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйиб кетган улкан истеъдод соҳибаси эди. Мен бу ерда Турғунбоева асос солган «Баҳор» ансамбли ва ансамбль репертуаридан ўрин олган ўнларча гўзал рақсларни назарда тутмоқдаман», деган фикрларини эслаймиз. Дарҳақиқат, бу асар «Баҳор» ансамблининг бутун бир тарихини , киши ёдига солади. У улкан изланиш самараси эканлигига зигирча шубҳа қилмайсиз. Зеро, Баҳодир Жалолов «Рақснинг туғилиши» асарини яратгунча, сермашаққат ижод йўлини босиб ўтди. У 1981 йилда ушбу асарини Тошкентдаги «Баҳор» концерт залининг вестибюлида ишлади ва ана шу баркамол асари учун адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида СССР Давлат мукофоти номзодлигига қўйилди.

БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ П. П. Беньков номидаги республика бадиий билим юртида, кейинчалик Ленинграддаги И. Е. Репин номидаги тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтида таҳсил кўрди. 1968—1974 йиллар мобайнида у инқилоб бешиги бўлмиш Ленинграда ўқиб юрган чоғлари монументал тасвирий санъат намояндаларидан бири академик А. А. Мильниковдан ижод сир-асрорларини пухта ўрганди. Бу эса ўз навбатида рассомнинг кейинги ижодий изланишларида ниҳоятда қўл келди. У бунёдкор замондошларимизнинг, шунингдек, адабиёт ва санъат арбобларининг чуқур психологик мазмунга эга теран портретларини зўр маҳорат билан яратди. Буни биз унинг монументалчи сифатидаги бетиним изланишларининг ажойиб самараси, деб биламиз. Шуни ҳам айтиш керакки, Баҳодир Жалолов гўзал Тошкентнинг ва пойтахт областининг қатор эътиборга молик жойларида сермазмун ва, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан новаторлик намунаси дегулик бетакрор асарлар яратди. Хусусан, у Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийси безатилишида фаоллик кўрсатди. Баҳодир Жалолов Теллимаржондаги йирик насос станциясининг хушманзара дам олиш зонасидаги кошоналарни ҳам сержозиба монументал манзарали безаклар билан яшнатди. Шунингдек, Чимёндаги санаторий чиройлиги чирой қўшишда ҳам унинг мўйқаламидаги самара берди, яъни рассом ажойиб асарлар яратди.

Баҳодир Жалолов мўйқаламига мансуб бўлган «Баҳор» концерт зали вестибюлидаги «Рақснинг туғилиши» асари унинг ижодида алоҳида ажралиб туради. Бу асар ўзининг эстетик қиймати, тантаналиги, чуқур мазмунга эга эканлиги ва кўлами билан, композициянинг изчил ва теранлиги ҳамда кўтаринки руҳда яратилганлиги билан, хусусан, хотин-қизлар образида типик миллий бўёқларнинг ўз ўрнида, ёрқин қўлланилганлиги, ифоданинг аниқлиги, профессионал маҳоратнинг юксаклиги билан таҳсинга сазовордир. Шуни айтиш керакки, бу асарда Баҳодир Жалолов ўзбек хотин-қизлари малоҳатининг ўзига хос томонларини ниҳоятда нозиктаъблик билан илғай олиш қобилиятини намоён этган. Соғлом дуркун қоматлар пластикаси зўр маҳорат билан ишланган ва тасвирда портрет ҳамда живопись маҳорати уйғунлашиб кетган. Баҳодир Жалолов Ленинградда устозидан олган таълимини бу кўркам ва тантанавор асарида бутунича зуҳур этган. Асар миллий характерларни тўлақонли ифодалабгина қолмай, мавзуга ижодий ёндашиш намунаси даражасига ҳам кўтарилган. Баҳодир Жалолов Италияга қилган сафари мобайнида Чинквиченто даври Флорейтия монументал ва дастгоҳли живописнинг ўлмас ноёб анъаналарини пухта ўрганган, буни ўз асарида ижодий қўллашга эришган.

Баҳодир Жалоловнинг фаол ижтимоий ишларга ҳам бош қошлиги кишини қувонтиради. У Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правлениесининг аъзоси, бир неча йиллар мобайнида союз ҳузуридаги ёш рассомлар уюшмаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. Неча марта унинг раҳбарлигида союз кўргазма залида қатор экспозициялар муваффақиятли намойиш этилди. Шуни ҳам айтиш керакки, Б. Жалолов қизғин ижодий иш билан ниҳоятда банд бўлишига қарамай, Тошкент театр ва рассомлик институтида ўқитувчилик қилди, ёшларга тасвирий санъат сирларини ўргатди.

„РАҚСНИНГ ТУҒИЛИШИ» асари катта изланишлар меваси, дедик. Бу асар ўзбек монументалчиларининг бошқа энг яхши асарлари билан бирга республика монументал санъатини янгидан-янги юксакликларга дадил кўтарилаётганлигини намойиш этади. Ҳар жиҳатдан баркамол, ва теран мазмунга эга кўламли ва бетакрор «Рақснинг туғилиши» асари СССР Давлат мукофоти билан тақдирланса, арзигулик асардир. Бу асар санъатга ошно дилларни нафосатдан, гўзалликдан баҳраманд этиб, яшайверади.

Р. ТОҚТОШ,
санъатшунослик доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

СУРАТДА: рассом Баҳодир Жалоловнинг «Рақснинг туғилиши» асаридан фрагмент.

ПИОНЕР ЁЗИ

ГОРН САДОЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Ховос районининг хушманзара, сўлим гўшасига жойлашган «Космос» пионер лагерига келган одамнинг баҳри-дили очилади. Боғлар, гулзорлар, ям-яшил ўтлоқлар қуршовидаги чиройли бинолардан болаларнинг шўх-шодон овозлари эшитилади, тоғ шабадаси ажиб муаттар ҳидларни олиб келиб димоғни қитиқлайди.

— Ўтган беш йил мобайнида мана шу тоғ этагидаги пионерлар оромгоҳини кенгайтириш, шароитини яхшилаш йўлида катта ишлар қилинди, — дейди Ховос район партия комитетининг секретари Ҳалима Шерматова. — Натижада у областдаги энг яхши, намунали лагерлардан бирига айланди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. «Космос» тажрибасини ўрганиш учун қўриқ Сирдарё областининг турли жойларидан маорифчилар келиб туришибди. Лагерь ташкил топган йили атиги 50 ўринга эга эди. Бу йил лагерь бир йўла 250 пионерни қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Лагерда қишки-ёзги клуб, пионер хонаси, соғломлаштириш пункти, ўқув зали, чўмилиш бассейни, турли спорт майдончалари, стадион бор. Икки юз эллик ўринли ошхона барча қулайликларга эга. Етоқхоналарни айтмайсизми! Уларнинг ҳар бири ўн-ўн икки ўринга эга бўлган коттеджлардан иборат, замонавий мебеллар билан жиҳозланган.

Лагерни оталиққа олган «Ховос» совхози раҳбарларининг ўқувчи ёшлар ҳақидаги чинакам ғамхўрликлари ҳар қадамда сезилиб турибди. Пионерлар оромгоҳини мавсумга тайёрлаш, капитал ремонтдан чиқариш ва янги қурилишлар учун 45 минг сўм маблағ сарфланди. 6200 сўмга янги юмшоқ мебеллар сотиб олинди. Натижада лагерь очилиши арафасида 250 ўринли ёзги ошхона, 100 ўринли ўқув зали фойдаланишга топширилди.

Гулчеҳра Пошшаева, Ҳалима Турдиева, Васила Зуҳурова каби пионер вожатийлар, Олим Туратов, Йўлдош Бегматов сингари тарбиячилар пионер ва ўқувчилар лагерь қўйнида яхши ҳордиқ чиқаришлари учун билим ва маҳоратларини аямаётирлар.

Лагерлар қўйнида ҳаёт қайнамоқда. Горн-барабан садолари, ёшларнинг қаҳ-қаҳалари янграмоқда. Пионер ёзи соз ўтмоқда.

У. АБДУЖАЛИЛОВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЎРИКНИНГ ХОСИЯТИ

Ўрик ер юзи бўйлаб шу қадар кўп тарқалганки, уни планетамизнинг деярли ҳамма бурчагида учратиш мумкин. Бу бебаҳо меванинг Иттифоқимизда йигирмага яқин хили учрайди. Ўрик ноз-неъмат сифатида дастурхон кўрки бўлибгина қолмай, балки унинг меваси инсон саломатлиги учун ҳам бениҳоя зарур бўлган моддаларга бой бўлиши билан қадрлидир. Унинг таркибида 20 процентгача оқсил, 10 процентча карбон сувлар, шунингдек қанд моддаси ва бошқа органик кислоталар бор. Ўрик мевасидан саноатда мармелад ва турли мурабболар тайёрланади.

Умуман ўрикнинг меваси сира чиқиндига чиқмайди деса бўлади. Унинг мағзидан саноатда мой, данак пўчоғидан эса активлаштирилган кўмир препарати олинади. Бу дори ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланилади. Халқ табобатида қабзиятнинг олдини олиш мақсадида туршак сувидан истеъмол этиш тавсия қилинади.

Ўрик шундай «камсуқум» дарахтки, у жой танламайди. Денгиз сатҳидан тўрт мин метр баландликда ҳам ўсаверади. Республикамиз шароитида тоғлик районларда, тоғ ён бағирларида ўрикзорлар барпо этишнинг бениҳоя катта резервлари бор. Бинобарин, саноатда, медицинада ҳам муҳим аҳамиятга молик ана шу мева етиштириладиган ўрикзорларни кенгайтириш ҳозирги кун учун долзарб масала. Истиқболни ўйласак, албатта шундай қилиш зарурлиги яна да равшанроқ бўлади.

М. УСМОНОВ,
доришунос.

СПАРТАКИАДА:

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

Маълумки, келаси йили мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XVII Спартакиадаси ўтказилади. Куни кеча мазкур Спартакиадага тайёргарлик бўйича республика ташкилот комитетининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилиш Ўзбекистон ССР маориф министри С. Шермуҳамедов раислигида ўтди. Йиғилишда Спартакиадага тайёргарликнинг асосий босқичи ҳисобланган Ўзбекистон ўқувчилари XXVII Спартакиадаси финал баҳсларининг муваффақиятли ўтганлиги, спортнинг кўпгина турлари бўйича катта муваффақиятлар қўлга киритилганлиги, спорт мастерлари ва мастерликка номзодлари сафини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшилганлиги қайд этиб ўтилди. Шу билан бирга жойларда мавжуд имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлиги, айрим областларда спортнинг баъзи турлари бўйича командалар тузилмаганлиги таъкидланди.

ФУТБОЛ:

«ПАХТАКОР» ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

«Пахтакор» футболчилари кейинги саккиз учрашув мобайнида мағлубият нималигини билмай, мавқеларини мустаҳкамлашди. Ўз майдонида ва сафарда ўтказилган учрашувларни кўтаринки рухда, ҳужумкорлик билан давом эттириб, бир неча бор йирик ҳисобли ғалабаларга эришдилар. Мамлакат чемпионатининг биринчи давраси эса якунланиш арафасида.

Пахтакорчиларнинг «Металлист» командаси билан учрашуви айниқса, диққатга сазовор бўлди. Майдон эгалари шундай шиддатли ўйин кўрсатдиларки, меҳмонлар фақат мудофаа билан чекланишга мажбур бўлишди. 48-минутда А. Журавлёв ҳисобни очган бўлса, 57-минутда Г. Денисов 2:0 га етказди. Бу сафар Н. Амриев ҳам ўзини кўрсатди. У М. Кабаев ўрнига майдонга тушиши билан дарвозани аниқ нишонга олиб, ўйин тугаши арафасида эса яна бир тўп киритди. Меҳмонлардан Ю. Тарасов жавоб тўпини дарвозага йўллади. Шундай қилиб, умумий ҳисоб пахтакорчилар фойдасига 4:1 бўлди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Черноморец»—«Жальгирис» — 0:0, «Нистру» — «Динамо» (Мн) — 1:3, «Зенит» — «Динамо» (К) —1:1, «Динамо» (Тб) — «Торпедо» (К) — 2:0, «Динамо» (М) — «Торпедо» (М) — 1:1, «Нефтчи» — «Арарат» — 3:0.

Ўйинлар жадвалининг бугунги кўриниши:

	Ю	Д	М	Т	О
Черноморец	10	2	3	24-14	22
Динамо (Мн)	8	3	4	21-14	19
Пахтакор	7	5	3	22-11	19
Зенит	7	5	3	18-12	19
Жальгирис	6	7	2	14-10	19
Спартак	6	5	3	23-11	17
Динамо К	6	5	4	13-14	17
Днепр	6	4	5	22-19	16
Торпедо М	5	6	4	14-14	16
Арарат	7	1	8	17-25	15
Шахтёр	6	2	7	16-17	14
Нефтчи	5	4	6	16-18	14
Металлист	5	3	7	16-20	13
ЦСКА	5	3	6	11-13	13
Динамо М	3	6	6	12-13	12
Динамо Тб	4	3	8	15-18	11
Торпедо К	1	6	9	8-20	8
Нистру	2	2	11	8-27	6

Эслатма: «Спартак» — ЦСКА учрашуви ҳисобга олинмади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. АШРАФИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
1983—1984 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

фортепьяно, оркестр асоблари (торли ва пуфлаб чалинадиган асбоблар), **музикашунослик, композиция, хор дирижёрлиги, вокал, хор ашулачиси, халқ чолғу асбоблари ихтисослари бўйича**

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Консерваторияга 35 ёшгача бўлган, 11 йиллик музика мактаби ёки музика билим юрти ҳажмида маълумоти бўлган шахслар қабул қилинади.

Вокал (ашула) факультети қошида тайёрлов бўлими мавжуд. Бу бўлимга ўрта мактабни тамомлаган истеъдодли маҳаллий миллат йигит-қизлари қабул қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР — 5 июлгача қабул қилинади.
Консультациялар — 5 июлгача.
Қабул имтиҳонлари — 6 июлдан 25 июлгача.

ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИНИНГ ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИГА БИНОАН ЎТКАЗИЛАДИ.

Консерватория қошида абитуриентлар учун доимий консультация пункти ташкил қилинган.

Ариза ректор номига ёзилади ва унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), соғлиғи ҳақида справка (286-форма), ишлаган жойидан характеристика (1983 йилда музика билим юртини битирганлар учун тавсиянома).

Паспорт ва ҳарбий ҳужжатлар шахсан тақдим этилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 31-уй. Қабул комиссияси. Телефонлар: 33-20-69, 33-52-74.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигининг
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—84 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА 15 ЕШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ШАХСЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тикувчилар, пойабзалчилар, радиотелемеханиклар, рўзғор буюмларини созловчилар, бухгалтерлар.

Инвалид болалар, кўп болали оилаларнинг болалари, ёлғиз оналарнинг болалари, Улуғ Ватан уруши инвалидларининг болалари район таъминот бўлимидан олинган справкани кўрсатган тақдирда қабул қилинади.

Ўқувчилар айни вақтда умумтаълим мактаблари программаси бўйича ўзбек ва рус тилларида курсларни ўтадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ЁТОҚХОНА ВА ОШХОНА МАВЖУД.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: медицина справкаси (286-форма), ушбу ихтисос бўйича ўқишга тавсиянома билан биргаликда ВТЭК справкаси (инвалидлар учун), аттестат ёки маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси), оладиган нафақаси кўрсатилган ҳолда район социал таъминот бўлими йўлланмаси, ўқиш ёки иш жойидан характеристика, директор номига ариза, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ИЮЛДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: 700113, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Ғ. Ғулом кўчаси, 47-уй (2, 13, 33, 70, 29-автобуслар; 4, 11-трамвайларнинг «Волгоградская кўчаси», ёки «Кўрлар жамияти» бекати).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим: гельминтология;

кичик илмий ходимлар: энтомология, паразитология, цитоэкология, гельминтология (шартнома ишлари бўйича).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 20 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, А. Ниёзов кўчаси, 1-уй.

●

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Чет тиллари кафедрасининг махсус курслари **ўқитувчилари,** француз тили, испан тили.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй.

●

«Госкомгидромет»
В. А. БУГАЕВ НОМЛИ ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар: гидрологик тадқиқотлаш бўлими, амалий гляциологиянинг шартнома группасига.

Конкурс муддати — 7 июлгача.

Мурожаат учун адрес: 700052, Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефонлар: 33-61-13, 35-80-59.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини 1958 йилда битирганларнинг

УЧРАШУВИ

8—9-июль кунлари соат 10.00дан 17.00гача

ЎТКАЗИЛАДИ

Учрашувга қатнашмоқчи бўлганлар қуйидаги адресга маълум қилишлари керак: Самарқанд шаҳри, 3-алоқа бўлими, К. Маркс кўчаси, 77-уй, ғупроқшунослик кафедраси, ўртоқ С. Т. Қурбоновга. Телефонлар: [illegible]хона — 4-08-93, 4-30-65; уй — 44-92-7.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати, партия, касаба союз ташкилотлари Марказий Комитетнинг масъул ходими Г. А. Аваковга укаси

Арсен Александрович АВАКОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти коллективи лаборатория мудири, институт касаба союз комитетининг раиси Ю. Ф. Узоқовга акаси

Туроб ФОЗИЛОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Телевидение

30 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.25 — Фильм-концерт. 10.55 — Мактаб ўқувчиларининг СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР Олий Советининг депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. А. Богачёв билан учрашуви. 11.35— Фильм-концерт. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Совет тасвирий санъати. Е. А. Кибрик. 17.00 — Шахмат мактаби. 17.30 — А. Леончик чалади. 18.00 — Ёшлар адреслари. 18.15 — Фильм-концерт. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Н. Поганини ва П. Сарасатенинг скрипка миниатюралари. Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист, И. Политковский ижро этади. 19.45 — Инсон. Ер. Коинот. 20.30 — Белоруссия ССР Давлат опера ва балет театрининг спектакли. 21.30 — Время. 22.05 — Балетнинг давоми. 23.05 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.00 — Ўрта ҳовлидаги киши. Бадиий фильм. 3-серия. 11.05 — Кон сирлари. 11.35 — Горнчилар, қаердасиз! 12.20 — Мультфильмлар. 12.55 — Фильм-концерт. 14.00 — Испан тили. 14.30 — Театр ва томошабин. 15.30 — Шаҳарни қабул қилдим. Бадиий фильм. 16.45 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Қишлоқ янгиликлари. 19.45 — Сизларга ташаккур. Ўқитувчилар сулоласи ҳақида очерк. 20.30 — Туғинингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Хатларингиз асосида. 21.30 — Время. 22.05 — Ўрта ҳовлидаги киши. Бадиий фильм. 4-серия. 23.05 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Мактаб ўқувчилари учун китоб биланинг дўстимиз. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 12.45 — Қулфсиз эшик. Бадиий фильм. 17.50 — Ёшлик. 18.50 — Адабий альманах. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Амалдаги интернационализм. 20.15 — КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари ҳаётга. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Аёл қалби наволари. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари ҳаётга. 22.50 — Қардошлар диёрида. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.40 — Физика. 19.40 — Телевизион журнал. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Озиқ-овқат программаси амалда. 20.50 — Қизил агитатор Трофим Глушков. Телевизион бадиий фильм.

1 ИЮЛЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильм. 10.10 — Мен бугун ва эртага. 10.55 — Опа. Бадиий фильм. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 Канада. Киноқўрсатув. 15.55— Рус тили. 16.25 — Концерт. 17.10 — Бурунди республикаси бўйлаб. 17.30 — Ерда, самода ва денгизда. 18.00 — Расмларда қуёш акси бор. 18.15 — Ёшлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 —Мультфильм. 19.50 — Бойқуш кундузи пайдо бўлади. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00— Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Москва) — «Пахтакор». 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Мультфильм. 9.45 — Ўрта ҳовлидаги киши. 4-серия. 10.50 — Табиатшунослик. 11.20 — Қувноқ стартлар. 12.05 — Э. Межелайтис поэзияси. 12.35 — Шахмат мактаби. 13.05 — Инглиз тили. 13.35 — Болалар учун фильм. 14.50 — С. Рахманинов. 15.30 — Августнинг бир неча куни. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Маҳорат эгалари. Ҳужжатли фильм. 18.55 — Бурятистон АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 20.30 — Туғинингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — С. Прокофьевнинг Ромео ва Жульетта опереттасига ёзган куйларидан парчалар. 21.30 — Время. 22.05 — Причал. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — Свердловск —ишчилар шаҳри. 13.00 — Давроннинг бошидан кечирганлари. Бадиий фильм. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ёш сеҳргарлар. 18.50 — Ўсмирлар ўртасида чим устида хоккей бўйича СССР биринчилиги. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.05 — КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари ҳаётга. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Дунё воқеалари. 22.30 — П. Тлегенов. Бир фожиа изидан. 1-қисм. 23.35 — Янгиликлар.

Радио

30 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ талантларининг концерти. 9.30 — Қўшиқлар. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Малиш. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 19.25 — Юность Узбекистана. 20.50 — Германия ва халқаро коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатининг арбоби В. Ульбрихт туғилган куннинг 90 йиллигига. 21.00 — Адабий ўқиш. 21.20 — Концерт. 22.30 — Ж. Жабборов ва М. Ниёзов қўшиқлари.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 02979. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 148. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 1